

# ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 22 (6651)  
2000 йил 1 июнь, пайшанба.

Сотувда эркин нархда

**Сардор:** - Байрамларни яхши кўраман, айниқса, 1 июнни. Дадам, ойим, сингилларим Феруза ва Нодира билан истироҳат боғига келамиз, мазза қилиб аргимчоқлар учамиз, ўйинлар ўйнаймиз, музқаймоқ еймиз. Кейин мен синглим Феруза билан "Оқтош" болалар оромгоҳига кетаман. Нодира эса боғчага боради-да, шунинг учун ҳам бизга ҳавас қилиб қолади.

**Нигора:** - 3-синфни аъло баҳолар билан битирдим. "Сўнгги кўнғироқ" да менга аълочилигим учун мақтов ёрлиғи ҳам беришди. Ўтган йили ёзда "Оқтош" болалар оромгоҳида дам олгандим. Бу йил эса ойим йўлланма олиб беролмадилар. Лекин, ёзни бекор ўтказиб юбормоқчи ҳам эмасман. Уйимизнинг ёнгинасида тўқишни ўргандиган тўгарак очилди. Ёзни зерикиб, кўча чангитиб ўтказгандан кўра битта ҳунар ўрганганим афзал, деб ўйлайман.

**Зарнигор:** - Мен ҳар йили июнь ойининг охирларида Хумсонга кетаман. Баланд тоғлар орасидаги хушҳаво қишлоқда тоғам яшайдилар. Тоғамникида меваларга тўйиб, дарё сувида чўмиламан, қоп-қорайиб ҳабаш қизига ўхшаб қоламан. Тошкентга қайтиб келганимда ўртоқларим ҳатто танимай қолишади.

**Муножат:** - Ҳамма болалар ёзда оромгоҳларга, қишлоқдаги қарин-



## БОЛАЛАР ОСМОННИ МУСАФФО БЎЛСИН!

Тўкин-сочин, меваларга бой ёз фасли байрам билан бошланади. Бир байрам-ки, ўзгалардан бошқачароқ, гўзалроқ, ҳар сафар такрорланмас шукуҳи ила болакайларнинг жажжи юракчаларида ўчмас из қолдирадиган байрам!

Ҳиёбонлар, дам олиш боғларини тўлдирган болажонларнинг қувноқ кулгулари завқ бағишлайди. Ям-яшил майсалар устида қувалашиб юрган кичкинтойлар сабаб, истиқбол, иқболимиз гуркираб яшнайдилар!

Болалар-чи, болалар ўз байрамлари ҳақида ўзлари гапира қолишсин.

дошлариникига дам олгани кетишади. Мен эса аксинча қишлоқдан шаҳарга дам олгани келаман.

Мактабда таътил бошлангани ҳамоноқ амманникига меҳмонга келаман. Истироҳат боғларини айланиб, роса музқаймоққа тўяман. Қишлоғимиз эса

унча-мунча оромгоҳлардан кам эмас. Теварак-атроф гир айлана боғлар, узумзорлар. Ёз чилласида ҳам Бўзсувдан салқин шабада эсиб туради. Ўзимизнинг боғимиз катта: баҳорги гилос билан кетма-кет



## 1 ИЮНЬ-ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

олча, ўрик пишади, кетидан шафтоли, олма, узум, беҳи, ёнғоқ... Соя-салқин ҳовлимиздаги олма тагида ўтириб, китоб ўқишни яхши кўраман.

Сайёра ҲАМИДОВА  
ёзиб олди.



Болажонлар! Уларнинг ширин, самимий сўзларида тўкис болалик қувончи акс этади. Болаларнинг бахти тўкис бўлиши, соғлом ва дуркун ўсишлари, билимда баркамол бўлишлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Республикаимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёд этилаётган жаҳон андозаси талабидаги лицейлар, замонавий мактаблар, ёшларнинг чет элларда билим олишлари учун яратиб берилаётган имкониятлар ва ниҳоят, икки асрни боғлаб турган 2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилингани бунинг исботидир.

1939 йил ноябрида Халқаро хотин-қизлар Федерацияси ва бутун дунё Демократик ёшлар ҳамда касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан 1 июнь-Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни деб эълон қилинганди. Мана, орадан 61 йил ўтибдики, инсоният тўкин-сочин ёзининг биринчи кунини болаликнинг тинч ва бахтиёр ҳаётини ҳимоя қилиш сифатида байрам қилади.

Юртбошимиз келажагимиз деб эъзозлаётган болаларнинг бахти баркамол, тинчлиги барқарор бўлсин! Мусаффо осмон остида фақат болаларнинг бахтиёр кулгулари жаранглайверсин!

## КЎШИКЛАР КЎП

Айтилмаган кўшиқлар кўп,  
Кўшиқларга тўсиқлар кўп,  
Кўшиғимдан чўғ олмаслар  
Овозимни бўғолмаслар.

Мен ўзбекча куйлаганда  
Овозимни куйивордим.  
Боболарим, момоларим  
Орзусини туйиб бордим.

Дадам деди, очик айтар  
Хўп ажойиб замон энди!  
Гапиролмай одамларнинг  
Ранги рўйи самон эди.

Ўқитувчим «беш»ини ҳам  
Хўп гижжалаб олаяпман.  
Ўртоғимнинг «уч»ини ҳам  
Тарозига солаяпман.

Кўчирмачи Алишерга  
Энди ўзинг ўқи, дейман.  
Синиб қолар акс ҳолда  
Аравангнинг ўқи, дейман.

Иродангни кўлингга ол,  
Дейман, устун кел ўзингдан.  
Ҳазиллашиб ҳамки ҳатто  
Тонма айтган ҳар сўзингдан!

Айтилмаган кўшиқлар кўп,  
Мен айтишим керак, ўртоқ.  
Қилинмаган ишлар тўп-тўп  
Бунга керак юрак, ўртоқ.

Билим керак, қудрат керак,  
Сабр тоқат, журъат керак.  
Суръат керак, демайман лек  
Мақтов керак, шуҳрат керак.

Билдим, шуҳрат учун кўплар  
Кўпчилиكنинг ризқин еган.  
Вақти келиб, шуҳрат хўплар  
Экан, кимки ўзин деган!

Умид билан яшамоққа  
Ўргатади ҳаёт мени.  
Кундан - кунга юксакроққа  
Ундар, уч деб қанот мени!

Бу қанотим қайрилмасдир,  
Ҳақиқатдир ўнгу сўлим.  
Ҳақиқатдан айрилмасдир,  
Демак, менинг равон йўлим!

Умида АБДУАЗИМОВА.



## АСЛИДА КИМ СОҒЛОМ?

«Соғлом танда соғ ақл» деган иборани кўп ишлатамиз. Лекин бу билан жисмонан заиф кишиларнинг нафсониятларига тегиб қўймаймизми? Ахир жисмонан заиф бўлсаларда, ақлан соғлом, Ватани, халқини астойдил севадиган, унинг равнақи йўлида бор куч-гайратларини аямайдиган кишилар ҳам оз эмас-ку. Ваҳоланки, орамизда ҳам жисмонан, ҳам ақлан соғлом бўла туриб ўз туғилиб ўсган юртига фойдаси эмас, зиёни тегаётган инсонлар ҳам учраб туради. Ўтган йилги февраль воқеалари фикримизнинг далили бўла олади. Тоғни урса талқон қилгудек йигитлар ўз юртига, ота-онаси юзига оёқ тираб, Ватанга хоинлик қилдилар. Шулар ҳақида ўйлар эканман, бундай мудҳиш воқеаларнинг асосий сабабчилари ким, дея ўз-ўзимга савол бераман. Менимча, бош сабабчилари - ота-оналаримиз, қолаверса, маҳалла аҳли, ҳамма-ҳаммамиз. Ахир «Бир болага етти қўшни ота-она», деб бежиз айтишмаган-ку. Ота-оналаримиз фарзандларини жисмонан соғломгина эмас, ақлан ҳам соғлом, баркамол, етук, илмли қилиб тарбиялашлари лозим. Шундагина она-юртимизнинг биз ёш авлодга бўлган катта умидларини оқлай оламиз, деб ўйлайман.

**Зокир АЛИҚУЛОВ,**  
Дехқонобод туманидаги  
Майна Ҳасанова  
номли мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.

## ФУТБОЛДАН ГАП ОЧМАНГ

Мактабимизда турли хил спорт мусобақаларини ўтказиш анъанага айланган. Бундай мусобақалар биз ўғил болаларнинг жону дилимиз. Айниқса, футболдан гап очсангиз, мусобақада қатнашишга талабгорлар кўпайиб кетадики. «Қани энди фан олимпиадаларида ҳам шундай иштиёқ билан қатнашсангиз» дея ҳазил қилишади устозларимиз.

Синфма синф мусобақалар қизиқ кетди. 8-«А» ҳамда 8-«Б» синф болалари барча тенгдошларини енгиб, ҳаммани қойил қолдирдилар. Синфимиз футболчилари жамоасининг қўли билим олишда ҳам баланд келди.

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**  
Собир Раҳимов туманидаги  
11-мактабнинг 8-«А» синф ўқувчиси.

## ОҚҚУШЛАР...

Салом, тенгдошим! Мана бугун барчамиз ҳаяжондамиз. Чунки мактаб остонасини тарк этиш беғубор болалик билан хайрлашишдир. Мактабда илк сабоқни олдик. Синфдошларимиз билан бир оила аъзоларидек бўлиб қолдик. Устозларимиз биздан ўз меҳрларини аямадилар. Ҳаёт тушунчасини онгимизга сингдирдилар. Шундай экан, бизга таълим берган устозлардан бир умр миннатдоримиз. Ниятим, мактаб остонасидан оққуш каби учаётган ҳар бир битирувчи ўзи орзу қилган олийгоҳларнинг талабаси бўлсин!

**Нигора ХОЛИСБОВЕВА,**  
Миробод туманидаги 214-мактабнинг  
11-синф битирувчиси.

## СЕВИМЛИ УСТОЗ

Ақиди опа Сулаймонова мана 22 йилдирки бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Ақиди опанинг дарслари таҳлиliga кириб, бир олам таассуротлар билан чиқдим. Ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги самимий муносабат, муомала маданияти, ўқувчилар фикрлаш доирасининг кенглиги мени жуда қувонтирди. Опа дарсдавомида ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланишлари барчамизга намунадирлар. Ҳар бир дарсларида саломлашиш маданияти, ўзбекона лутф билан ўзаро сизлашиб муносабатда бўлиш, катталарга ҳурмат юзасидан йўл бўшатиш каби насиҳатларни қилиб чарчамайдилар.

Мурғак қалбларга Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, катталарга ҳурмат, кексаларга иззат кўрсатиш каби фазилатларни сингдираётган Ақиди опадек камтарин ва камсуқум инсонлар бор бўлсинлар.

**Раиса АБДУЛЛАЕВА,**  
1-тоифали ўқитувчи.

## «АДАБИЁТ» КЕРАК ЭМАСМИ?..

Ўқувчи мактабда мустақил ҳаётга тайёргарлик кўрар экан, бу борада унга адабиёт фани ҳамиша керак, деб ўйлайман. Зеро, адабиёт одоб-ахлоқ тушунчасини кенг қамраб олган. Мен оддий ўқувчи сифатида тенгдошларимнинг адабиётга муносабатларини ўзимча таҳлил қилдим.

Яқинда бир ўртоғим билан дарслар хусусида баҳслашиб қолдим. Гап орасида у:

- Шу адабиёт дарсига ҳеч қизиқмадим-қизиқмадим-да,- деб қолди. Унга жавобан:

- Адабиёт фанини ўқимаган инсон ҳаёт мазмунини англай олмайди-ку,- дедим. Айтишга айтдим, кейин пушаймон бўлдим. Чунки унинг:

- Шундоқ ҳам бутун ҳаёт мазмунини яхши англаб юрибман,- деган гапини эшитиб олдим-да.

Бу гапларни эшитиб нега афсусланганимни тушунган бўлсангиз керак. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин?

Йўқ, бу билан мен ўзимни ақлли санаб, ўртоғимни эса ёмонламоқчи эмасман. Аксинча, бундай фикрлайдиганлар орамизда бор эканлигига афсусланман.

**Жаҳонгир ҚАРШИЕВ,**  
Самарқанд вилояти,  
Булунғур туманидаги 48-мактаб ўқувчиси.

## ДАДАЖОНИМ - МЕНИНГ АРМОНИМ

Дадажон! Юрак тўла дард билан яна келдим ёнингизга... Қани энди, Сизни яна бир бора кўрсам, бу дунёда армоним қолмаган бўларди. Дадажон, биласизми? Мен Сизни жудаям-жудаям яхши кўрадим. Чунки Сиз ҳам мени жонингиздан ортиқ кўрар эдингиз-да.

Эсингиздами, 3-синфда ўқир эдим. Менга:  
- Мен учун ҳам битта шеър ёзиб бер,- дегандингиз. мен бўлсам, Сизга бир донагина шеър ёзибман, холос. Ҳозир-чи? Сиз учун жуда кўп шеър ёздим. Лекин ёзганларимни ҳеч кимга кўрсатмадим...

Дадажон, мен Сизнинг дардларингизни билмасдим. Биламан, мен йиғласам, қабрингизда тинч ётолмай-сиз. Шунинг учун ҳам йиғламайман-да. Эшитяпсизми, дадажон... Бу гапларим билан Сизни қийнамоқчи эмасман. Соғинганимдан Сизни эслайман, холос.

Туғилган куним ҳам яқинлашиб қолди. Аммо Сиз сиз қандай ўтказаман, уни? Ўрнингиз ҳар дақиқа билиниб турса...

Шундай бўлса-да, доим менинг хаёлларимдасиз. Ёзган шеър ухояларимдасиз, дадажон. Энди фақат Сиз учун шеър ёзаман. Сизни доим соғиниб яшайман...

**Мухтасар АМИНЖОНОВА,**  
Фарғона вилояти, Фарғона туманидаги 8-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

## САЁҲАТ-РОҲАТ

Ёзги таътил кунлари бизнинг дам оладиган энг мароқли онларимиздир. Яқинда таътилдан олдинроқ синфимиз ўқувчилари билан биргаликда Самарқандга бордик. Тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар бизда гўзал таассурот қолдирди. Саёҳатдаги биринчи бўлиб қадам қўйган жойимиз Гур Амир мақбараси бўлди. Уерга кирар эканмиз, қалбимизни ҳаяжон қамраб олди. Мақбара жуда салобатли, уймақкор нақшлар билан безатилган экан. Мақбарада Амир Темур ва Улуғбек Мирзо, уларнинг набиралари қабрларини зиёрат қилдик.

Самарқанднинг одамлар тупланадиган Регистони билан фахрландик.

Хуллас саёҳатдан вақтимиз ҳам, кўнглимиз ҳам чоғ бўлиб қайтди. Синфимиз ўқувчилари биргаликда ёзги таътилда яна саёҳатлар уюштиришни режалаштирдик.

**Мақсуда ҚАРШИЕВА,**  
Қашқадарё вилояти,  
Қарши тумани

## ЁЛҒИЗ ЎЗИМ ҚАТНАШДИМ

Хабарингиз бор, 1-2 май кунлари Тошентдаги Ўқитувчилар Маалака ошириш уйида «Иқтисодиётдан сабоқлар» танлови якунланди. Унда мен фахрли 2-ўрин соҳиби бўлдим. Қувончим эса чексиз. Шуни айтиб ўтишим керакки, бизда иқтисодиёт фани ўқитилмайди. Менинг иқтисодиёт фанини ўрганишимда «Тонг юлдузи» ва танлов ташкилотчилари яқиндан ёрдам беришди. Шу сабабдан



уларга раҳмат, дейман.

Ачинарли томони шундаки, Самарқанд вилоятидан ёлғиз ўзим қатнашдим. Азиз Самарқанд вилояти ўқувчилари! Келгусида бўлиб ўтадиган билимдонлар танловида фаолликни қўлдан берманг. Ғолиб бўлиб вилоятимиз шаънини кўкларга кўтарайлик!

**Жасур ЖўРАЕВ,**  
Самарқанд вилояти,  
Пахтачи туманидаги  
15-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

## ҲАР КҮНИНГ БАЙРАМ БҮЛСИН!

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун асосан 1950 йилда кенг миқёсда, яъни 51 мамлакатда тантана қилинганди. Шунга ҳам 50 йил бўлибди!

Бугун юртимизнинг ҳар гўшасида тантана. Болажонларимиз қалбида қувонч, улар севинчига ҳамоҳанг дунё ҳам шодланаётгандек, улар кулсалар дунё ҳам кулаётгандек гўё.

Бу байрам нафақат болаларнинг, балки улар билан ҳамнафас яшаётган, қувончу ташвишларига шерик бўлаётган, келажаги ҳақида қайғуриб, ғамхўрлик қилаётган инсонларнинг ҳам байрамидир. Ана шундай заҳматкаш инсонлардан бири Ўзбекистон болалар жамғармаси оила ва соғломлаштириш шўъбаси мудир Муҳаббат опа Ибодова республикамиз болаларини айёмлари билан қутлаб, байрам тантаналари ҳақида ҳикоя қилдилар:

-Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кун ҳар йилгидек бу йил ҳам кенг миқёсда тантана қилиняпти. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Боғи Эрам» сайлгоҳида катта байрам тадбири ўтказилляпти. Байрамга кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари, етим ва ногирон болалардан 500 нафари таклиф қилинди. Улар учун тўкин дастурхон безатилиб, концерт дастурлари, қизиқарли викторина ўйинлари, спорт мусобақалари ўтказилляпти. Ғолибларга совғалар улашилади, барча атракционлар уларнинг хизматида.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам байрам муносабати билан уюштирилган «Болалик ўн кунлиги» давом этапти. Ушбу ҳайрия тадбирида жуда кўплаб корхона ва ташкилотлар қатнашиб, савоб ишга ўз улушларини қўшиляпти. Ўн кунлик давомида жамғарма ҳисобига 2 миллиондан ортиқ маблағ келиб тушди. Бу пуллар етим, ногирон болаларга, ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларига, қарин-

дош-уруғлариникида тарбияланаётган болаларга сарфланади.

Болалар жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими томонидан Гулистон шаҳридаги «Анҳор» чойхонасида «Болалар келажагимиз» номли ҳайрия тадбири ўтказилляпти.

Хоразмда болалар байрамига атаб ўтказилаётган телемарафон давом этапти. Ундан тушган маблағ ҳам тўлалигича болалар ман-

фаатлари учун сарфланади.

Бу йилги байрам навоийлик ўн нафар ота-онасини йўқотган болаларнинг хотирасида бир умрга мухрланса ажаб эмас. Чунки бугун жамғармаимизнинг Навоий вилояти бўлими ташаббуси билан уларнинг суннат тўйлари ўтказиб берилляпти. Болажонларга янги сарполар-кийим-бош ва турли совғасаломлар улашилди.

Байрам тантаналари Қашқадарё, Бухоро, қўйингчи, республикамизнинг барча вилоятларида кенг тантана қилиняпти.

Жамғармаимиз қошида «Кўча болалари» дастури ташкил қилдик. Турли сабабларга кўра кўчада қолган болаларни бир ерга жамладик. Ота-онаси ичкиликка ружу қўйган, уйдан ёки етимхонадан қочиб кетган ўғил-қизлардан 40 нафарини жамғармаимизга жалб қилганмиз. Улар учун ўқитувчи ва тарбиячи ажратилган. Бугун ана шу болалар учун ҳам дастурхон безатдик, ош тортиб, ширинликлар билан сийладик. Ҳар бирига янги кийим-бош, оёқ кийимлари улашдик. Ўз навбатида улар ҳам ўзлари тайёрлаган сахна кўринишлари, концерт дастурларини намойиш этишди.

Истардимки, байрам тантаналарининг чеки бўлмасин. Фарзандларимизга фақат байрам кунлари эмас, ҳар кун, ҳар доим ғамхўрлик қилайлик, меҳрибон бўлайлик!

Феруза ЖАЛИЛОВА  
суҳбатлашди

### СОҒИНСАМ, КИТОБ ЎҚИЙМАН

Ўзбекистоним! Ҳар гал номингни тилга олганимда, қалбимни алланечук ҳаяжон, орзиқиш чулғаб олади. Ва соғинч ҳиссидан энтикиб, она кучоғидек иссиқ бағрингни кўмсайман. Сен бўлакчасан Ўзбекистоним! Ҳеч ерда қиёсинг йўқ. Еринг, сувинг, кўчаларинг бошқача. Ҳатто куёшинг ҳам фақат сен учунгина ўта саҳийлик билан нур сочаётгандек! Сенинг қадрингни, меҳринг тафтини ўзга юртларда янада яққолроқ ҳис қилияман.

Икки йил аввал оиламиз билан хизмат юзасидан Олмониянинг Франкфурт шаҳрига кўчиб кетгандик. Ўшанда мен инглиз ва рус тилларини билардим. Немис тилини билмаслигим боис, анча қийналгандим. Лекин иштиёқ билан астойдил интилса, ҳар нарсанинг уддасидан чиқса бўлар экан. Қисқа фурсатда бу тилни ҳам ўрганиб олдим. Янги мактабга қатнай бошлаган кезлари, сен қаердан келгансан? деб сўроққа тутишса, Ўзбекистонданман» дея олардим холос. Юртимиз ҳақида кўпроқ гапириб бергим келарди-ю, тил билмаслигим панд берарди.

Ҳозир эса синфдошларим, мактабдошларимга мустақил диёримиз, унинг бой тарихи, Самарқанду Бухородек азим шаҳарлари, кўҳна обидалари, халқимизнинг урф-одати, анъаналари, маданияти ҳақида бемалол сўзлаб берайман.

Бу ерга келмасимиздан аввал Тошкентдаги ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясида ўқир эдим. Бизнинг мактабимизда жуда кўплаб уй вазифаси берилар эди. Бу ерда эса аксинча. Уйда бажариш учун жуда кам вазифа берилар экан. Шунинг учун ҳам бўш вақтимиз сероб бўлади. Ҳар ким бўш вақтини турлича ўтказади. Мен эса бўш қолдим дегунча кўлимга ўзбек тилидаги китобларни оламан. Уларни ўқисам, гўё Ўзбекистонда юргандек, Тошкентдаги дугоналарим билан суҳбатлашгандек бўламан. Шунда она юрт хумори бироз босилгандек бўлади.

Ҳилола ЗОҲИДОВА,  
Франкфурт шаҳри.

## АТЛАС КИЙГАН ТАРИЗА

Болажонлар! Бугун сиз билан таништирамоқчи бўлган қизалоқ Фариза Бекмуродова. У Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, 27-ўрта мактабнинг 4-синфида ўқир экан. Фаризани мен Зангиота туманидаги 15-мактабда ўтказилган вилоят ижодкор ўқитувчилар танловида учратиб қолдим. Чиройли атлас кўйлак кийиб олган Фариза жуда зийрак, ақлли ва хушчақчақ қиз экан. Ўзи қозоқ миллатига мансуб бўлса-да, ўзбек тилида бемалол гапирар экан. Танишиб олганимдан сўнг уни суҳбатга тортдим:

-Фариза! Кўйлагингиз бунча чиройли, ўзингизга жуда ҳам ярашибди.

-Раҳмат! Мактабимизда «Бойчечак» номли рақс дастаси бор. Бу кўйлакни биз концертларда, байрамларда киямиз.

-Демак, бу мактабга меҳмон экансиз-да?

-Ҳа, ойижоним ўқитувчи бўлиб ишлайдилар. Улар икки тилда - қозоқ ва ўзбек тилларида шеърлар ёзадилар. Ойижонимнинг болалар учун ёзилган шеърларини ёдлашни яхши кўраман.

-Ойингизнинг исмлари ким?

-Лола Юнус қизи. Мактабимизда ўтказиладиган тадбирларда ҳам шеърлар ёзиб берадилар.

-Сизга атаб шеър ёзганмилар?

-Ёзганлар, битта менга эмас, акаларим Умматали ва Серғозига бағишлаб ҳам ёзадилар. Туғилган кунимизга катта совға бўлган. Эшитиб хурсанд бўлиб кетганмиз. Шеърлари орасида яхши кўриб ўқийдиганим «Ўзбекистон, Онажон» шеъри.

-Ҳозир айтиб бера оласизми?

-Албатта:

Она юртим, фарзандингман, фарзандинг,  
Бахти кулган дилбандингман, дилбандинг.  
Бугун сенга барча яхши каломим,  
Қабул этгин қўшиқчи қиз саломин.

Булбул каби сайратган ҳам - ўзингсан,



Баҳорингдек яшнатган ҳам - ўзингсан,  
Қайга бормай талпинганим - ўзингсан,  
Меҳригём, онажон Ўзбекистон!  
-Раҳмат, шеърни ифодали ўқир экансиз.



Ўзбек тилида қийналмай гапиришингизнинг сабаби нимада?

-Ўзбек тили ўқитувчимиз Клара опа бизга эринмасдан сабоқ берадилар. Мусиқа дарсида эса Кенжагул опамлар ўзбек тилидаги қўшиқларни ўргатадилар. Уйда ҳам тез-тез ўзбекча гаплашиб турамиз.

-Фаризахон, яна нималарга қизиқасиз?

-Мен ашула айтишни, пианино чалишни яхши кўраман. Яқинда Кенжагул опамлар тузган даста иштирокчилари туманимизда ўтказилган «Санъат байрами»да ғолиб бўлдик. Келгусида эса ойижонимнинг шеърларига мусиқа басталагим келади. Адажоним бу йил ёзда пианино олиб беришга ваъда бердилар.

-Келажақда ким бўлмоқчисиз?

-Модельер бўлсам, дейман. Ойимлар: «Аёл киши ҳамма нарсани билиши керак», - дейдилар. Мусиқа, ашула, рақсни ҳам ташламасам керак. Шунингдек, ҳар хил пишириқлар пиширишни ўрганмоқчиман.

-Дўстларингиз кўпми?

-Ҳа, энг яқин дугоналарим Гулдона, Асал, Насиба ва бошқа синфдошларим.

-Фариза, «Зулфия» номидаги мукофот ҳақида эшитгандирсиз?

-Эшитдим. Бу мукофотни олиш бахтига муяссар бўлган Гулҳаё ва Нодирахонлар ҳақида эшитиб, ойинаи жаҳонда кўриб қувониб кетдим. Улар билан яқиндан танишишни ният қилдим.

-Орзуларингиз?

-Биринчи навбатда бахтли бўлиш. Қолаверса, ота-онам орзу қилган фарзанд бўлиш.

-Суҳбатингиз учун раҳмат!

ГУЛҲОЗ суҳбатлашди.

## КУЧУК НЕГА КУЛМАЙДИ?

*Кучук нега кулмайди?*

*Мушук нега кулмайди?*

*Савол бердим синглимга,  
Жавоб берди у менга:*

*- Чунки улар кулгининг,*

*Мазасини билмайди,*

*Шунинг учун кулмайди!*

Ойбек ОРИПОВ,

Тошкент шахри, Миробод  
туманидаги 110-мактабнинг  
5-синф ўқувчиси.

## ҚЎРҚМАЙДИ - ХУРМАТ ҚИЛАДИ

(Лоф - интермедия)

Лоф Мирза: -Менинг дадамчи  
энг баланд тоғларга ҳам чиқа ола-  
ди.

Хандонбой: -Яна-чи?

Лоф Мирза: -Энг катта денгиз-  
дан ҳам сузиб ўта олади.

Хандонбой: -Яна?

Лоф Мирза: -Энг йиртқич  
йўлбарсларни ҳам енга олади. Да-  
дамнинг қўлидан ҳамма нарса ке-  
лади, фақат бунга унинг вақти  
етишмайди, холос.

Хандонбой: -Нега?

Лоф Мирза: -Чунки у ойимга  
йдиш-товоқларни ювишда, уйлар-  
ни йиғиштиришда, кир ювишда  
ёрдамлашмоғи керак-да!

Хандонбой: -Нима, даданг ой-  
ингдан шунчалик қўрқадиларми?

Лоф Мирза: -Йўқ, қўрқмайди-  
лар, хурмат қиладилар!

Ҳажвтўра ЭГАМБЕРДИЕВ.

## ХАНДАМАР

### Бор-у, лекин...

Бир бола автобусда акса уравериб,  
бурнини тортавериб, ҳамманинг  
энсасини қотирибди. Ниҳоят,  
ёнида ўтирган аёл сўради.

Аёл: -Ёнингда дастрўмолинг  
йўқмиди, болам?

Бола: - Бор, хола. Лекин, уйда-  
гилар уни ҳеч кимга берма, дей-  
ишганди!

### Ҳафтада неча кун?

Муаллим: -Қани Баҳодиржон,  
сен айт-чи, агар сигир бир кунда  
икки литр сут берса, бир ҳафтада  
ундан қанча сут олиш мумкин?

Баҳодир: - Сигир ҳафтада неча  
кун ишлайди, устоз?

## Савол жавобсиз ҚОЛДИ

Болакай: -Биласизми ойижон,  
бугун муаллимнинг саволига ҳеч  
ким жавоб бера олмади.

Она: -Муаллимнинг қанақа савол  
берган эди?

Бола: -Муаллимимиз, «дерзани  
ким синдирди?»- деб сўради!

## Ҳавотирланманг

Она: -Ўғлим, бўлақол, мактабга  
кеч қоляпсан!

Бола: -Хавотир олманг, ойижон.  
Мақтабимизнинг эшиги кечгача  
очиқ туради.

## «ХА-ХА-ХА» МЕХМОНИМИЗ



### Ҳамиша табассум қуёшда, ойда, Доим ёруғлик бор - кулги бор жойда!

Дунёга машҳур қаҳқаҳа пири Насриддин Афандимиз, Алдар Кўсамиз,  
Юсуфжон қизик Шакаржонов, Охунжон қизик Ҳузуржонов, Ақром қизик  
Юсупов каби ўнлаб қизикчиларимиз, қолаверса катта-ю кичикка ман-  
зур аскиямиз, шарқона ҳазил-мutoйибамиз, қувноқ лапар ва «ёр-ёр»ла-  
римиз - буларнинг ҳаммаси халқимизнинг маданияти ва санъатида кул-  
ги, ҳажв энг қадимий ва чуқур анъаналарга эга эканлигидан далолат бе-  
ради.

Одамларимизнинг кулгига ишқибозлиги дошқозондай қайнаб, хушчақ-  
чақ табассумга, ҳазил-мutoйибага мойиллиги тобора кучайиб бораёпти.  
Бунини ҳисобга олиб юртимизда қувноқ кулгунинг равнақи учун барча им-  
кониятлар яратилган.

Кулгисевар халқимизга, айниқса кичкинтой-ширинтойларга кулги, та-  
бассум, хушчақчақлик бағишлашдек хайрли ишда Ўзбекистон телера-  
диокомпаниясининг «Болалар» Бош муҳарририяти қошида ташкил этил-  
ган «Ха-ха-ха» (Ҳазил, ҳажв, ҳангома) кичик студияси ижодкор ва иж-  
рочиларнинг ҳам ҳиссалари бекиёс.

Жиянлару аммага, катта - кичик ҳаммага, баббаробар хизмат қилаёт-  
ган бу кичик студия ижодкорлари ўтган қисқа вақт ичида завқу шавқ  
ишқибозларига, хушчақчақлик шайдоларига бир қанча қувноқ дастур-  
лар тақдим этишди. Бундан мухлислар, айниқса, кичкинтой кулгисевар-  
лар беҳад хурсанд.

1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, «Ўзбеки-  
стон» Миллий боғида ўтказилаётган «Болалар кулса олам кулади» мав-  
зуидаги театрлаштирилган, қувноқ томоша - «Кулги сайли» да «Ха-ха-  
ха»нинг фаол ижрочилари - Ҳазилой, Ҳангомахон, Ҳажвтўра, Ғалтак-  
бек, Бола -лофчи, Кулмасвой ва бошқалар иштирок этишмоқда.

Дастурда қувноқ интермедиялар, митти миниатюралар, хонаки ҳан-  
гомалар, лофлар, латифалар, ҳазил кўшиқлар, ҳажвий лапарлар, ичак  
узди аскиялар ўрин олган.

Келинг, кулинг, дам олинг,

Бир мазза қилиб қолинг!-деб чорлаган «Ха-ха-ха»чилар дастуридан ўрин  
олган ҳанда, шеър ва интермедияларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

## USFOZ

Yosh avlodga berasiz ta'lim,  
Mehri zukko dono muallim.  
O'rgatasiz yurakda borin,  
Savodsizni etasiz olim.

Shu tufayli sizni elu- yurt,  
Ardoqlaydi, hurmat qiladi.  
To'g'ri yo'lga boshlovchi sardor,  
Sahovatda sarbon bo'lasiz.

SHOHRUH XOLOV, Yunusobod  
tumanidagi 98- maktabning  
4-"G"sinf o'quvchisi

## ДАНГАСА ДАДА

Ота-бола кўчада машина кутиб ту-  
ришибди.

Бола: - Дада, нега сизнинг ма-  
шинангиз йўқ?

Ота: -Уни сотиб олишга менда  
пул йўқ. Агар сен мактабда яхши  
ўқисанг, эҳтимол катта бўлга-  
нингда машина сотиб оларсан.

Бола: - Дада, демек сиз мактаб-  
да жуда ёмон ўқиган экансиз-да!

## Ҳайрият

Бола: -Дада, кеча олиб келган бо-  
тинкангизнинг бир пойини тагчар-  
ми кўчиб кетди.

Ота: -Мен иккаласи ишдан  
чиққанди, деб ўйлагандим. Ҳай-  
рият, бир пойи бутун чиқибди!

## Иштиёқ

Эрталаб барвақт  
уйғонган Юлдуз  
онасига деди:

Юлдуз: -Ойи,  
тураверсам майли-  
ми?

Она: -Ухлайвер-  
санг-чи, ҳали беш  
ярим.

Юлдуз: -Мен  
ҳам ўша беш  
яримни битта  
кўрай. Мен уни ҳеч кўрмаганман.



## ҒАРОЙИБ ЛАТИФАГҶИЙ

Ҳажвтўра: - Янгиларидан борми, Ғал-  
такбек?

Ғалтакбек: - Бўлганда  
қандоқ! Қанақасидан  
бўлсин, Ҳорижнинг нақа-  
ларидан бўлсинми, ё ўзи-  
мизнинг тўпори латифалар-  
данми?

Ҳажвтўра: -Ўзимизники-  
дан бўлаверсин, тешиб чиқ-  
мас.

Ғалтакбек: -Хўп, бўлма-  
са. Дикқат билан эшитинг.

Мана шунақанги сайлларнинг бирида ғоз би-  
лан хўроз учрашиб қолишибди. Эшитмаган-  
мисиз?

Ҳажвтўра: - Йўқ, эшитмаганман.

Ғалтакбек: -Ростини айтинг, агар эшит-

ган бўлсангиз, айтмай қўя қолай.

Ҳажвтўра: -Эшитмаганман, деяман-ку.

Ғалтакбек: -Хўрознинг тожи олтиндан  
экан.Балки бунини эшитгандирсиз?

Ҳажвтўра: -Йўқ, эшитган эмасман.

Ғалтакбек: - Ана кулиш ўрнига асабий-  
лашяпсиз.Демак, эшитгансиз.

Ҳажвтўра: - Уф-ф,жон Ғалтакбек,ўрги-  
либ кетай сиздан,эшитмаганман.

Ғалтакбек: -Бўпти, қаерга келиб қолувдик?

Ҳажвтўра: -Хўрознинг тожи олтиндан экан.

Ғалтакбек: -Ана,эшитган экансиз,аниқ  
айтиб беряпсиз-ку. Нима қиласиз,мени ла-  
қиллатиб.Кўйинг-е,энди сизга латифа айтиб бериб  
бўпман!



Тулан ТАБАССУМ.

“Биз бешта кудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтакамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор”, деганларида Юртбошимиз И. А. Каримов нақадар ҳақлар.

Бу азим чинорнинг шохлари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондир. Ана шу азим чинорнинг бир шохи, кичик парчаси инсонлар тасавуридаги кенг, бепоён менинг Ватанимдир. Бу Ватан ўзбекнинг барча болаларини суйиб, ардоқлаб бағрига босган, опичлаб катта қилган, оғир дамларда бошини силаган, етимларга беланчак жой.

Ватан... Нақадар азиз, мўтабар, сеҳрли сўз! Ватан деганда юрагим гупиллаб уриб, узоқ ўйга чўмаман. Мен уни иссиқ бешикка, боласини бағрида босиб турган онага, шогирдига тарихни ўргатиб турган устозга ўхшатаман. Эндигина дунёга келган чақалоқ ўз бешигида эркаланиб, роҳатланиб ётади. Маъсума келинчак унинг ўрнини ўзгартирса, чинқириб йиғлайди. Шунда онанинг хаёлидан “Гўдакнинг иссиқ ўрнини совутдим”, деган фикр ўтади. Бешикнинг иссиқ қўйнида ором олувчи, унинг ҳар хил ранглар билан солинган нақшларига қараб кўзи завқланган гўдак учун бешик маскан - Ватандир. Демак, гўдакнинг ҳам бешиги бор. Она эса бешик олдида ўтириб алла айтади. У алласида Ватанга муҳаббатни, юртга садоқатни тараннум этади.

Ватансан,

## Устоз минбари

### ВАТАН МАВЗУСИДА ДАРС

бешиксан,  
гўшасан,  
Гўдаксан,  
ёшсан,  
башарсан,  
Маскансан,  
муқаддас,  
Саждагоҳсан,  
Қонимсан,  
жоним,  
фаҳримсан.

Ватан киндик қони тўкилган маскандан бошланади. Меҳнатидан роҳатланган, оққўнғил халқни севишдан ва ардоқлашдан бошланади.

Бугунги тинч, осойишта кунни берган тангрига шукроналар айтиб, юртбошимиз ҳақларига дуолар ўқиб, фарзандларига насиҳат бериб турган онахону бувижонларнинг ўғитларини олишдан бошланади. Мен она сифатида шун билдимки, 4 ёшли қизалоғим Ватан сўзини маъносини ҳали англамасда, у кун сайин ўз уйига, ундаги барча жиҳозларни севиб меҳр кўяди. Ёки қадрдон боғчасидаги ўйинчоқларга, тарбиячиси берган билимларга ўрганади. Шу нарсалар бўлмаса, гўё, ҳамма нарсадан маҳрум бўлгандай хафа бўлади. Эртаси кун жонажон маскани сари интилади.



Кувнаб жўшиб шеър, қўшиқлар куйлайди. Демак, унда юртга меҳр, Ватанга муҳаббат бор. Чунки бола дунёни англаяпти. Ватан меҳри аввало унинг кўзларида акс этиб, кейин қалбига кўчади.

Шахс сифатида камолга етганда эса Ватан деган туйғуни 70 йил давомида баралла айтганда овозимизни бўғиб, тарихимизни топтаб таҳқирлаб келган кишиларга ёмон кўз билан қарайди.

“Тарихнинг битмакка халқим, мингта Фирдавсий керак”, деган эди шоиримиз Эркин Воҳидов.

Эркин бошқалардир,  
қамалган менман,  
Ҳайвон қаторида  
саналган менман.

Бу сатрлар истибоднинг хуфёна

қатлгоҳида қони тўкилган Чўлпоннинг нидосидир. Унинг ғамгин юрагида озодликнинг бир томчи шаффоф сувидек Ватан сўзи қалқиди. Менинг муқаддас Ватанимнинг шундай фарзандлари, озодлик куйчилари борки, улар олдида бутун башариёт қарздор. Демак, менинг қонимда Чўлпону Усмон Носир қони оқмоқда. Биз бу кунларнинг қадрига етиб, келаётган бўронларга кўксимизни қалқон қилишимиз керак.

Тарихнинг зарварақларини варақлар эканман, кўҳна Урганч кўз олдимга келиб, яққол намоён бўлади. Чингизхон Хоразмни ишғол қилганда, Жалолиддин Ватанни қутқариб қолмоқ ниятидан қайтмади. Амударёни сузиб ўтганидан хабар топган Чингизхон: “Менинг тўрт ўғлим бор. Қирқта ўғлим бўлганида ҳам биргина Жалолиддинга алмаштирган бўлардим”, дейди.

Балки дунёда ўзбегимнинг мард ўғлонларини ҳавас қилган подишоҳлар кўп ўтгандир?...

Мен фахрланаман, Ўзбекистоним бор, чаману бўстоним бор.

Бағрини яшнатган онажоним бор! Яшнайвергин, гўзал Ватаним!

Халоват ИСТАМОВА,  
Навойий вилоят, Қизилтепа  
туманидаги “Ўзбекистон”  
мактабининг ўзбек тили ва  
адабиёти фани ўқитувчиси.

## КАТТАЛАРДАН КИЧИК ИЛТИМОС

Ўзбекистонда, айниқса, қишлоқларимизда нон кўп истеъмол қилинади. Болалар нон билан чойга кўникиб ўрганиб қолишган. Бу совет ҳокимияти йилларида пахтага жуда катта эътибор оқибати бўлди: мол боқишга имкон берилмади, мевазорлар эса пахтазорларга айлантирилди. «Инсонпарвар» ҳокимият аслида инсоннинг аҳволи билан қизиқмасди. Бу ғайри инсоний ҳокимият тарих майдонига келмасидан илгари ота-боболаримиз ўз ерларида турли-туман мева, бугдой, арпадан ташқари оқжўхори, тарийқ, кўноқ каби экинлар экар, бу экинларнинг дони одамларга таом пояси поҳоли, сомони эса молларга ем бўларди. Одамлар ўз-ўзларини яхши таъминлар, давлатдан ҳеч нарса таъма қилмасдилар, давлатга соғ-салоқ тўлардилар, холос. Қишлоқларда мева сотилмасди, ёз бўйи мева, қовун-тарвуз истеъмол қилинар, кузда эса меваларни қуришиб, узумдан, тутдан майиз ва шинни тайёрлашарди.

Эсимда, бобом ўрик, шафтоли, олхўри, жийда данаклари кўчада кўриб қолса, териб олиб яктагининг чўнтагига солар, уларни ҳовлимизнинг бир бурчагига экиб, 3-4 йилдан кейин етилган ниҳолларни қишлоғимиздаги ариқ, йўллар атрофларига ўтказар, каттароқ бўлгунча парвариш қилиб юрарди, бу ишни энг савоб иш деб, бизларни ҳам шунга ўргатарди. Пахтазорларни кенгайтириш мақсадида ўша дарахтлар кесиладиганда бобомнинг кўзларида ёш кўрганман...

Тошкент дўконларида АҚШ дан келтирилган товук гўшти, Аргентинадан олиб келинган кунгабоқар ёғи тез-тез кўзга ташланарди. Улар қиммат.

Эртимизнинг иқлими, тупроғи,

суви, деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачиликни беҳад ривожлантириш имконини беради. Ҳар бир одам у қайси касб эгаси бўлмасин, биринчи навбатда боғбон, деҳқон, чорвадор ҳам бўлмоғи керак. Ҳовлиларда, кўп қаватли уйлар атрофларида тартиб билан чиройли қилиб турли экинлар, гуллар экилиши, мевали дарахтлар парвариш қилиниши, буларнинг меҳнатини ҳам, мевасини ҳам ҳамма баҳам кўриши лозим.

Президентимизнинг шахсан катта эътибори билан тадбиркорлик ривож толаяпти. Деҳқон, боғбон, чорвадор, тадбиркорларга доимий ёрдам бериб, шаҳар атрофларида, қишлоқларда боғдорчилик, чорвачилик, айниқса, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик каби соҳалари кескин ривожланишга эришимиз керак. Асаларичиликка жиддийроқ аҳамият берилмаяпти, холбуки, асаларилар асалидан ташқари мевалар, турли экинлар ҳосили кўпайишига ёрдам беришини яхши биламиз.

Бу иш туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг доимий ғамхўрлигини талаб қилади. Шунда товук гўштини Америкадан, кунгабоқар ёғини Аргентинадан олиб келишга эҳтиёж қолмайди. Шунда дастурхонларимизда нон камроқ, қурилган мевалар қовун, қоқи, майиз, шинни, тухум, сут маҳсулотлари кўпроқ бўлади.

Шаҳарларда ёнғоқ, бодом, жийда каби мевали дарахтлар кўпайгани маъқул. Улар чиройли ҳам. Қурилишларда эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда ҳам мевали дарахтларни аямай кесиб ташлаганларини кўп кўрдим. Тошкентнинг Қатортол маҳалласида нокнинг турли навлари жуда кўп эди. Кўп қаватли уйлар қуриладиганда бу да-

рахтлар кесиб ташланди. Шу йил эрта баҳорда Академик лицей қурилиш муносабати билан Асай кўчаси Хуршид кўчаси билан туташган жойдаги жарлик текисланди, шу ерда «Жангоҳ» ошхонаси олдида қатор қилиб экилган тераклар орасида уч туп ўрик ҳам бор эди. Экскаваторчи йигит шу ўрикларни олиб ташлади, мен йўл кенгайса керак-да, дарахтлар халақит берарканда, деб тургандим, у эса теракларга тегмади. Сабабини сўраганимда, кўзга хунук кўринаяпти, деб жавоб қайтарди...

Биз худонинг назари тушган юртимизда ХХІ асрни «Соғлом авлод» асри қилиш учун кенг имкониятларга эгамиз. Фақат бир пайтлар менинг бобом қилиб юрган ишни ҳаммамиз ҳам қилсак, шаҳар атрофида, қишлоқларда, мевазорларни, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик фермаларини кўпайтирсак, шунда дас-



турхонимизда майиз, тухум, асал ва шинни, сариёғ, қурилган мевалар кўпроқ бўлади. Катталар катталики бурчини бажаришса...

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ БОЛАЛАР?  
Кўпчиликнинг фикрини,  
илтимосини ифодалаб:

НУРБЕК.

### БИЛАҒОН БОЛАЛАР ДИҚҚАТИГА

Сиз «Тонг юлдузи» газетаси саҳифаларида учрайдиган хатоларни албатта топиб, бизга ёзиб юборинг. Чунки атайин билағон ва топағонлигингизни синаш мақсадида ҳарфлар тушириб қолдирилади ёки қўшиб қўйилади. Тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмайди...

Мақсадимиз: билимли бўлинг. Чунки осмонни юлдузлар, ерни эса билимдилар безар.

Сизнинг «Тонг юлдузи»нгиз.

### ҚОЙИЛ, ГУЛЧЕҲРА!

Хатоларни топувчилар кўпаймоқда. Тошкентдаги 273- мактаб ўқувчиси Гулчеҳра АБДУАЗИМОВА 19-сондаги кулгули хатони топиб бизга «Мен бир қора кунда туғилдим», деган сатрлар Фафур Фуломники эмас, Хамид Олимжонники-ку деб кўнгирок қилди ва сўзига «Мафкура-миллатнинг қанотидир», — деб қўшиб қўйди.

Мовлуда Шукурова - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маданият ва спорт ишлари ва ижтимоий муаммолар бўлимининг бош мухассиси:

Оромгоҳлар мавсумида уюшқоқлик шарт. Бу ишни бу йил жуда кўп мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қиламиз. Масалан, соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» давлат уюшмаси, етарли даражада тиббий ходимлар, дори-дармонлар ва бепул тиббий хизматни таъминлайдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят ҳокимликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси оромгоҳларга болаларни кўпроқ жалб этиш, турар жойларда, спорт майдонларида, клубларда болалар билан ишлашни яхши йўлга қўйиш билан шуғулландилар. Оромгоҳларга жалб этилган педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг ишлаган даври педагогик практикадан ўтиш дастурига киритилади.

Оромгоҳларни сифатли маҳсулотлар - гўшт, консерва, шакар, ўсимлик ёғи, сариг, ун, гуруч, хўл мева-лар ва сабзавотлар, нон-булка ва сут билан таъминланиши назорат қилиниб турилади.

Оромгоҳларда маънавият ўқишлари, бадий ҳаваскорлик тўғраклари ҳам ташкил этилади. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказларидан Президент асарлари, янги замонавий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминланган кутубхоналар ташкил этилади. Ундан ташқари Маданият ишлари вазирлиги, Бадий Академия, Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекнаво»лар ёрдамида бадий ҳаваскорлик, театр жамоалари, концерт бригадалари томонидан бепул хизмат кўрсатилади. Кино қурилмалари ва кўчма кинолар, санъат арбоблари, машҳур спортчилар билан учрашувлар уюштирилади, кўргазмалар ташкил этилади.


Оромгоҳларда электр қуввати, газ ва сувдан фойдаланиши масаласида коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги коммунал-маиший хизматларидан фойдаланганликларини учун тариф тўловини имтиёзли равишда 50 фоиз этиб белгилаб берадилар.

Вилоятлардаги оромгоҳлар, масалан Андижон вилоятида 28250 нафар фарзанд дам оладиган 28 та шаҳар четдаги оромгоҳ, 1 та санатория типиди ва 1 та спорт соғломлаштириш, 22 та мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳлар болаларни ўз бағрига олишга тайёр.

Сирдарё вилоятдан касаба уюшмаси кенгашининг ўринбосари К. Эшназаровнинг 14 та оромгоҳ ва мактаб қошидаги 30 та оромгоҳлар 2600 та болани қабул қилишга тайёрлиги ҳақидаги ахбороти, ёки Самарқанд касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси О. Нафасова юрган факсдан шу маълумки, у ерда мавжуд бўлган 32 та, мактаб қошидаги 30 та кундузги оромгоҳларни етарли миқдорда озик-овқат билан таъминлаш мақсадида «Самарқанд» худудий савдо ишлаб чиқариш акциядорлик

## ОРОМГОҲДАГҲ ҲАМКОРЛИК

Ўтган ҳафтада, яъни 23 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи ҳамда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш Республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов раислик қилди. Шунингдек, болаларни ёзги соғломлаштириш ва уларнинг дам олиши бўйича республика доимий комиссиясининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, касаба уюшмалари республика тармоқ қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раислари, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгашининг масъул ходимлари қатнашдилар. Асосий масала 1999йил ёз мавсумида болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари, ҳамда 2000 йил ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари ҳақида бўлди.



концернига қарашли махсус база ва «Матлубот савдо» акциядорлик жамиятининг шаҳар ва туман бўлимлари билан оромгоҳлар ўртасида ўзаро шартномалар тузилгани ҳақида ба-тафсил баён этилган.

Фозил РЎЗИБЕКОВ - Тошкент шаҳар уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари. Шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия-спорт жамиятининг бош қаруви раиси:

- Бу йил Тошкент шаҳар корхоналари тасарруфидаги 44 та соғломлаштириш ва санатория типидagi оромгоҳлар, умумий мактаблар қошида эса 25 та оромгоҳ ташкил этилади. Унда пойтахтимиз меҳнаткашларининг 5000 нафар фарзанди соғломлаштирилади. Шундан 2500 бола Қорақалпоғистон Республикасидан келтирилади. 500 нафари эса кам таъминланган оила фарзандлари бепул дам оладилар.

Биргина йўлланма баҳоси ўн-ўн икки минг туради. Ота-она эса 10 фоизини тўлайди.

Яқинда оромгоҳ етакчилари, тарбиячилар билан биргаликда семинар ўтказилди. Уларга методик қўлланмалар тарқатилди. Шу билан бирга дори-дармон, озик-овқат масалалари ҳам ҳал этилди. Оромгоҳ кутубхоналари янги-янги лотин алифбосидаги китоблар билан бойиди. Маданий дам олиш мақсадида кабель телевидени-яси ўрнатилиши мўлжалланаяпти. Унда фақат рухсат этилган болалар-боп фильмлар намойиш этилади. Радиоузел орқали эса кўп тилларда мусиқа янграйди. Қўшиқ ва шеърлар айтилади. Оромгоҳлар қошида ва оромгоҳлараро спорт мусобақалари

уюштирилади. Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилади. Насиб бўлса «Соғлом авлод» йилидаги барча ҳаракатимиз баракали бўлади.

Мавлуда Шукурова :

-2000 йилда болалар оромгоҳларида 332000 нафар фарзандларимиз дам олишини ташкил этиш режалаштирилган. Улардан 179910 нафари шаҳардан ташқари оромгоҳларда, 69285 нафар бола санаторий туридаги оромгоҳларда, 3230 нафар болалар эса спорт соғломлаштириш, 61575 ўғил-қиз мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда, 6400 нафар болалар меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида соғломлаштирилади. Шу тарзда 245000 дан зиёд болалар стационар турдаги, қолганлари эса мослаштирилган оромгоҳларида дам оладилар. Ушбу мақсадларга касаба уюшмалари ижтимоий сўғурта маблағи ҳисобидан 1 млрд. 346 млн. 530 минг сўм маблағ сарфлаш мўлжалланган.

Жорий йилнинг ёзги мавсумида республикада 879 та барча турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Уларнинг 297 таси - шаҳардан ташқаридаги, 71 таси санаторий туридаги, 5 таси спорт - соғломлаштириш, 51 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳи, 454 таси эса мактаблар қошидаги кундузги болалар оромгоҳларидир. Умумий оромгоҳлардан 343 таси стационар ҳисобланади.

Республиканинг барча вилоятлари ҳокимликларида болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича кенгаш ўтказилиб, аниқ тадбирлар белгилаб олинди. Шунингдек, ҳоким

Ёзги таътил қандай ўтаяпти, болалик?

ўринбосарлари раҳбарлигида вилоят комиссиялари тузилди. Ушбу комиссиялар таркибида касаба уюшмалари вилоят кенгаши, савдо, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, санитария эпидемиология назорати, ички ишлар, автотранспорт соҳалари бўйича вилоят бошқармалари вакиллари мавжуд.

Ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик давомида барча вилоятларда вилоят семинарлари - болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ходимларининг, хусусан тарбиячилар, етакчи ва шифокорларнинг ўқувини ўтказиш кўзда тутилган. Шунга ўхшаш семинарлар Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Республиканинг барча болалар стационар соғломлаштириш оромгоҳларида жорий йилнинг 15 апрелидан бошлаб таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Оромгоҳларнинг 80 фоизиди бинолар ва иншоотларнинг ташқи кўринишини пардозлаш - таъмирлаш, деворларни оқлаш, пол ва устунларни бўяш, деразаларга ойна қўйиш, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш каби ишлар амалга оширилди. Қолган оромгоҳларда эса капитал таъмирлаш ишлари: том, пол, йўлакларни таъмирлаш, ёрдамчи биноларни қайта қуриш, майдончаларни кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, барча оромгоҳлар худудини тозалаш, чўмилиш ҳавзаларини фойдаланишга тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Таъмирлаш - тайёрлаш ишларининг барчасини 25 майгача тугатиш режалаштирилган. Шундан сўнг ҳар бир оромгоҳ акт бўйича махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинади.

Ёзги соғломлаштириш мавсумини Андижон вилоятида 1 июндан, қолган вилоятларда эса 5-7 июндан очиш мўлжалланган. Бинобарин, айрим вилоятларда болаларни оромгоҳларга олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Фавқулудда вазиятлар вазирлиги рухсати билангина амалга оширилади. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма қўмиталари томонидан берилади.

Моҳира Пўлатова - Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг йўриқчиси:

- Тошкент вилояти ҳокимияти «2000 йилда болаларни ёзги дам олишини ташкил этиш ва ўтказиш» юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда бу соҳага масъул кишилар қатнашди. Маълум бўлишича, 1999 йил ёз мавсумида вилоятда режа бўйича шаҳардан ташқари 27 та оромгоҳ ўрнига 29 та ишлади. 23000 бола ўрнига 24778 бола дам олди. Мактабларда эса 3000 бола ўрнига 4360 нафар болаларимиз дам олди. Бу йил эса шаҳардан ташқаридаги 4 та оромгоҳ айрим сабабларга кўра мавсумда фаолият кўрсатмаслиги мумкин. Шу оромгоҳларда дам олиши керак бўлган 4000 дан ортиқ болани мактаб қошидаги оромгоҳларга жойлаштириш режалаштириляпти.

Феруза ОДИЛОВА ва Мухаррама ПИРМАТОВА тайёрлашди.

Muhabbat HAMIDOVA

## YANGI UCH OG'ALNI BOTIRLARNING SARGUZASHTLARI

(Kichik yoshdagi bolalar uchun jazzi qissa)

### BUZOQNING TUG'ILGAN KUNI

Rustam ertalab og'ilxonaga kirsam, Targ'il yo'q. Yolg'iz qolgan buzoqcha hafa bo'lib turibdi.

-Oqboshvoy, nega hafasan? Oying ketib qolganmi? Hechqisi yo'q, o'zim senga barra o't olib beraman. Avval tagingni tozalab olay, Rustam buzoqchani tagini supurishga tushdi. Shu payt Farhod kelib qoldi.

-Voy-bo' akavoy, namuncha tozalab supuryapsiz. Barbirgayam isqirtoyingiz birpasda hammayoqni bulg'ab tashlaydi. Bu ipirisqi buzoq tayyor o'tni ham to'kib-sochib yeydi.

-Sekin gapirsang-chi, Oqbosh tushunib qolsa, sendan xafa bo'ladi. Shundog'am oyisi ketib qolganiga yig'layapti,-dedi Rustam buzoqchani ko'zidan oqayotgan yoshlarga ishora qilib.-Undan ko'ra, bog'dan pechak terib chiqib, sovg'a qil.

-Nega endi sovg'a qilarkanman? Nima, buzoqchangizni tug'ilgan kunimidi?

-Ha-da, bugun oqboshning tug'ilganiga roppa-posit to'rt oy bo'libdi. Endi uni ham yaylovga olib borsak bo'laveradi.

-Bo'pti, Oqboshning tug'ilgan kuniga men bir etak devpechak sovg'a qilaman,-Farhod qo'lga etak olib boqqa ketdi...

Rustam og'ilni tozalab buzog'iga suv tutmoqchi bo'lib hovliga chiqdi. Qarasa... Yon qo'shnisi Muzaffar bir bog' beda, Furqat qovun-tarvuz solingan chelak, Jasur esa chog'roqqina

tog'orada kunjara ko'tarib kelishyapti.

-Rustam aka, Farhod aytdi, bugun Oqboshning tug'ilgan kuni ekan. Oqboshingiz bizning buzoqlarimizning o'rtog'i. Mening Baqalog'im, Furqatning Yuvvoshi, Jasurning Polvoni nomidan Oqboshvoyni tabriklagani chiqdik,-dedi Furqat dona-dona qilib.

Bolakaylar og'ilga kirib borishganda Oqboshning ko'z yoshlari to'xtagan, o'zi ko'zlarini katta ochib, kipriklarini pipiratgancha ularga hayron qarab turardi.

Muzaffar qo'lidagi bedani oxurga tashladi. Qolgan sovg'alar eshik yonida qoldi. Bolalar chiqib ketishayotganda Oqbosh "rahmat" deganday bir o'ynoqlab "bo'" deb qo'ydi.

### KUYIB QOLGAN TOSHBAQA

Uch og'a-inilarning dadasi shirkatning yillik hisobotini qilayotgani uchun ishdan har kuni juda kech, ular uxlab qolganda qaytar edi.

Bu safar ham u ishini tugatib ketayotganda vaqt allamahol bo'lib qolgandi. Havo juda sovuq, qor bo'ralab urib turardi. Rahim aka kattakon ariqqa omonat qo'yilgan taxta ko'prikdan o'tar, ko'zi oppoq qor ustida qolgan g'alati izlarga tushdi.

-Qiziq, itning iziga o'xshamaydi, quyonniki ham emas,-o'yladi Rahim aka, atrofga sinchkov tikilarkan. To'satdan ko'zi kekka tol tagida qimirlayotgan "tosh"ga tushdi. Qiziqsinib toshga yaqinlashdi. Kattagina

toshbaqa ekan. Sovuqdan g'ujanak bo'lib, boshini kosasi ichiga olgancha, qayoqqa yurishni bilmay, turgan ekan.

-Ha, jonivor! Qahratonda nima qilib adashib yuribsan? Sovuqda qotib qolasan-ku, -Rahim aka biroz o'ylanib turdi-da, uni qo'lga oldi...

-Eshikni Farhodning oyisi ochdi. Ichkaridan esa bolalarning shovqini eshitilardi...

-Bolalar yug'oqmi?-quvonib ketdi Rahim aka.

-Tinchlikmi, namuncha xursandsiz, bo'ldimi, tugadimi yillik hisob-kitoblaringiz?

-Hisob-kitob ham tugay deb qoldiyu... Qarang, bolalarga nima olib keldim,-Rahim aka boyadan buyon qo'ynida yashirib turgan Toshbaqani chiqardi-da, palosga qo'ydi. Rahim akingning issiq qo'ynida kelgan toshbaqaga ancha jon kirib qolgan shekilli, yerga oyog'i tegishi bilan kosalari boshini chiqarib, atrofga olazarak qarab chiqdi. Keyin bamaylixtor yuqoriga o'rmaladi.

-Tavba, qishda ham toshbaqa bo'larkan-da, achinib dedi Farhodning oyisi. -Qayerga joylaymiz buni?

Adalaring ovozini eshitib yugurib chiqqan bolalar salomlashishni ham unutib toshbaqa bilan ovora bo'lib ketishdi.

Farhod unga "Chaqqon"deb ot qo'yib oldi. Toshbaqaga ham bu nom ma'qul keldi shekilli, bolalar chaqqonlab chaqirishlari bilanoq ildam yo'rgalab qoladi. Chaqqon oshxonada yashay boshladi. Farhod unga quruq xashak ham berdi, qoldiq nonlar bilan siylaydi. Toshbaqa Moshga ham yoqib qoldi. Chaqqon boshini kosasidan chiqarishi bilan miyovlab yoniga yugurib keladi. Uyog'idan o'tadi, buyog'idan o'tadi, biroq negadir tegishga jur'at etolmaydi.

Bir kuni Farhod shumlik qilib, Chaqqonni buvijonining xonasiga olib

kirib, kravot ostiga yashirib qo'ydi. Shu kuni yarim kechada g'alati qichqiridan uyg'ondi. Oyisi ham negadir yugurib chiqib ketdi.

Farhodning buvisi, uyim yaxshi isimaydi, deb kechqurunga krovati yoniga elektr isitgich qo'yib qo'yardi. Yarim kechga borib qizib ketgan isitgich, qip-qizarib chiroqqao'xshab tovlanardi. Bu shu'la Chaqqonni o'ziga chorlagan bo'lsa kerak. U bexosdan isitgichga tegib ketganmi yoki tok urganmi, g'alati ovoz bilan qichqirib yuboribdi. Tinchlikka o'rgangan Farhodning buvisi esa cho'chib, dodlabdi. Bir pasda hammayoq ostin-ustun bo'lib ketdi...

Farhod uyqusiragancha chaqqonga qaradi. Chaqqon kosasi ag'darilib oyog'ini osmondan qilib yotardi.

-Hech qisi yo'q, bo'yni azgina kuyibdi. Hozir biz unga dori surib qo'yamiz,-dadasi Chaqqonni qo'lga oldi. Oyisi dori olib keldi...

Chaqqon tezda tuzalib ketdiyu, biroq buvisi qattiq qo'rqqan ekan shekilli ancha paytgacha ko'rpa-to'sak qilib yotdi.

Chaqqon bahor kelib, kunlar iliguncha Farhodning yonida qoldi.

(Davomi bor).



## ИНГЛИЗ ТИЛИ СИЗ УЧУН ENGLISH FOR YOU

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ  
ВА БУЮК БРИТАНИЯНИНГ  
ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАГИ ЁЗУВ ВА  
ЭЪЛОНЛАР

Attention! - Дикқат!

Ball playing and other games prohibited! -  
Копток уйнаш ва бошқа ўйинлар ман  
этилади (паркда).

Caution! - Эҳтиёт бўлинг!

Danger! - Хавфли!

Do Not Litter, or you will pay 5000 sums  
fine!-Қоғоз (ахлат) ташламанг, жарима  
5000 сўм!

Do Not Walk! - Тўхтанг! (Светофор)  
Keep Off Grass! - Чимнинг (газон)  
устидан юрилмасин!

Police, Take Notice! - Полиция назорати  
остида!

No Swimming! - Чўмилиш ман этилади!

Plantings should not be touched! -  
-Ўсимликларга қўл билан тегиш ман  
этилади!

Private Property - Хусусий мулк.

Public Garden founded in 1925 - 1925  
йилда ташкил қилинган Жамоат Боғи.

Push Button for Walk Signal! - «Юринг»  
сигнали учун кнопкани босинг!

Sitting and Playing on Grass permitted

except where posters! - Махсус табличка  
қоғозлари бор жойлардан ташқари барча  
жойлардаги чим (ўт) устида ўтириш ва  
ўйнаш мумкин!

Use trash barrels! - Ахлатни махсус кутилар-  
га ташланг!

Vending (Sale) Prohibited! - Сотиш ман  
этилади! (паркда).

Skateboard and Roller skating Prohibited!

- Скейтборд ва роликли чанғиларда учиш  
ман этилади!



"When I grow up, I will be famous writer".

WALK! - Юринг!

WALK-The traffic only after 11:00 P.M. -  
-Пиёда юринг, машинада юришга фақат  
кечқурун соат 11:00 да рухсат берилади,  
(паркда).

МЕТРОДА - IN THE SUBWAY

Subway (Tube, Metro) - Метро.

Bus Stop - Автобус бекати.



"Oh, I like chocolate ice-cream very much,  
now I am going to eat coffee, banana flavoured  
chocolate"

Escalator to Ground Transportation -  
Ерошти транспортга (метрога) тушиш  
учун эскалатор.

Do Not Block The Doorway! - Эшикка ўтиш  
йўлини тўсиб қўйманг!

Do Not Lean Against Doors!  
-Эшикларга суянманг!

Exit to Bus - Автобусга чиқиш жойи.

Exit to Street - Кўчага чиқиш.

Passenger Emergency Intercom - Фавқулодда  
ҳолатларда ҳайдовчига хабар бериш мосла-  
маси.

Please Move Into the Train! - Илтимос,  
вагон ичкарисига ўтинглар!

Push Button to Call Police or Driver! -  
Полиция ёки ҳайдовчини чақириш учун  
кнопкани босинг!

Walking on or across the track is forbidden -  
Поезд йўлига тушиш ва унда юриш ман  
этилади!

ШОҲРУҲ КАРИМБЕКОВ  
тайёрлади.



Тенгдошингиз Нафосат Аҳмедова бўш пайтларида бадий китоблар ўқиш билан бирга кичик-кичик ҳикоя ва эртақ, хикматли сўз ва мақолларни рус, инглиз тилларидан ўзбекчалоштириб, дафтарчасига ёзиб ҳам қўяр экан. Яқинда у ўзи таржима қилган молдаван халқ эртақларини газетамиз таҳририятига олиб келди. Келинг, тенгдошингиз таржима қилган ушбу эртақларни биргалашиб ўқиб кўрайлик ва тенгдошингизга ижод йўлларида ойдинлик тилайлик.

## БЎРИ БИЛАН ТЎЛКИ

Бўри билан тулки ўрмонда кетаётиб, осма қопқонни кўриб қолишибди. Қопқонда ғоз ҳам осиглиқ турган эмиш. Ҳайвонлар анчадан бери овқатланишмаган, қоринлари оч эди, аммо тулки осилган ғозга кўзининг учи билан қараб ҳам қўймади.

-Нега қарамаяпсан, тулкиой, кўрмайпсанми, бу ғоз-ку ахир!-дебди бўри очликдан қорни гулдираб.

-Бугун чоршанба, мен ўзимни гўшт ейишдан тийишим керак,-деб жавоб берибди тулки.

Бўри пархез нималигини ўйлаб ҳам ўтирмай, овқат иштиёқида ғозга қараб сакраган эди,лоп этиб қопқонга тушиб қолди.Буни кўрган тулки ғознинг ёнига келиб,уни қаср-қуср ея бошлади.

-Тулкиой, ахир бугун пархездасан-ку,деб ингиллади ётган жойида бўри.

-Дангасалик қилиб,тайёр ошни кутган одам пархез қилади,-деб жавоб берди шунда Тулкиой.

## ҚАРҒА БИЛАН ҚИСҚИЧБАҚА

Оч қарға кўл устидан учиб ўтаётиб, бир қисқичбақани илиб олибди. Қисқичбақа аҳволи чатоқлашганини кўриб қарғани мақтай бошлабди:

-Қанчалар чиройли қушсан-а, Қарғaxon! Сеникидай гўзал қанотлар биронтаям қушда йўқ!

Қарға ҳеч нарсa демай, учишда давом этаверибди, Қисқичбақа ҳам мақтовдан қолмабди:

-Сенинг овозинг ҳам шириндан-ширин бўлса керак-а, Қарғaxon?

Бу мақтовдан Қарға энтикиб кетса ҳам индамабди. Қисқичбақа ҳам бўш келмай хадеб мақтармиш:

-Сени қушлар маликаси деб эълон қилиш керак!

Қарға:

-Албатта!- деган экан, оғзидаги Қисқичбақа лоп этиб сувга тушиб кетибди. Мақтовдан эриб кетган Қарға яна ҳеч нарсасиз қолибди.

Нафосат АҲМЕДОВА таржимаси.  
Тошкент, 204-мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.

## БУ УРУШ

Бу уруш деб бузилди,  
Неча минг турмуш.  
Номинг ҳам бунчалар  
Хунук, эй уруш!


Ҳар ким,ҳар ҳолатда,  
Чекарди фарёд.  
Қачон биз яшаймиз  
Бехавотир, шод?

Бу уруш кўпларнинг  
Бошига етди.  
Уруш бошлаганлар  
Йўқолиб кетди.

Азоблар тугади,  
Қилдик ғалаба,  
Кўтардик биз байроқ,  
Мангу тантана.



Азизжон АЗИМОВ,  
Чилонзор туманидаги  
4-мактаб-интернатининг  
8-синф ўқувчиси.




## МАКТАБИМ

Мақтаб менинг қувончим,  
Мақтаб менинг ишончим,  
Мақтаб менинг бахт қушим,  
Мақтаб менинг эс-хушим,

Мақтаб менинг одобим,  
Мақтаб юпанч, таскиним.  
Болалар-ла ободим,  
Мақтаб азиз масканим.



Хуршид ИСКАНДАРОВ,  
Юнусобод туманидаги  
253-мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.



Энгил. 1. Камёб, кўркам, чопқир жонвор. 3. Гулзор ва мевазор маскан. 6. Ёгингарчилик. 8. Дунёда энг йирик денгиз ҳайвони. 11. Серидиз бегона ўт. 13. Тола олинадиган техника экини. 15. Ёввойи ҳолда ўсувчи гиёҳ. 16. Пардақанотли ҳашоратларнинг чақадиган тури. 17. Уй ҳайвони. 18. Баланг тоғда яшовчи, ёввойи мушукнинг бир тури бўлган йиртқич. 19. Паррандалар ошёни. 20. Баъзи жониворлар бўйнида бўладиган узун соч.

Бўйига: 2. Республикамизда боқиладиган гўштдор қўй зоти. 3. Гул шайдоси бўлган сайроқи митти парранда. 4. Мевасини тами ширин, қора қайинлар оиласига мансуб жануб дарахти. 5. Хосили таомга ишлатиладиган бир йиллик дуккакли экин. 7. Қозоғистон Республикаси ҳудудидаги берк, шўр кўл. 8.Таомга ишлатиладиган ўсимликлар мажмуи. 9. Меваси йирик узум нави. 10. Баргининг суви пардоз сифатида ишлатиладиган ўсимлик. 11. Гулзор, кўркам маскан. 12. Шарқ халқ табобатида қадимдан қўлланиб келинган, мумсимон модда. 14. Ит-симонлар оиласига мансуб йиртқич.

Энди қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси жавоб сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) таълуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муоммонотани ҳал этинг.

17-2; 15-1; 3-1; 11-2; 4-2; 5-5.  
14-1; 9-3; 7-2; 18-1; 12-1; 13-1; 4-4; 6-3.  
10-4; 2-3; 1-1; 18-6; 8-2.

Ундан ибратли сўз пайдо бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ.

ТОҲТЮЛАВУЗИ

Ўзбекистон болалари  
ва ўсмирларининг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД  
УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ  
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,  
Йўллош САИДЖОНОВ,  
Ойниса МУСУРМОНОВА  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА  
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,  
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир  
"Ijod dunyosi"  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 39092  
нусада босилди. Ҳажми  
2 босма табоқ.  
Буюртма - К-5001  
Газетани  
Абдуҳамид  
АБДУҒАФФОРОВ  
саҳифалади.  
Навбатчи:  
Феруза ОДИЛОВА

Рўйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34